

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА АСАЛАРИНИ АКАРАПИДОЗ  
КАСАЛЛИГИ, ТАШХИС, ПРОФИЛАКТИКА, ДАВОЛАШ.**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11516130>

**Махмудова Каримахон**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

**Базаров Мурат**

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,  
ветеринария фанлар доктори, доцент*

**Аннотация**

*Мазкур мақолада Андижон вилояти шароитида асаларичилик хўжаликларида кўп зарар етказадиган Акарапидоз инвазион касаллиги тўғрисида, уларни келиб чиқиши, тарқалиши ва уларга ташхис қўйиши, профилактика чораларини ўтказиши ҳамда даволашнинг самарали усуллари кенг баён этилган.*

**Калит сузи**

*Акарапидоз инвазион касаллиги,асалари,асалари личинкасида, Она асалари, эркак асаларилар, кана, ромлар.*

**Аннотация**

*В данной статье подробно описан акарапидоз – опасное инвазионное заболевание, наносящее большой ущерб пчеловодческим хозяйствам в условиях Андижанской области, его происхождение, распространение, диагностика, меры профилактики и эффективные методы лечения.*

**Ключевые слова**

*болезнь Акарапидоз, пчелы, пчелиные личинки, пчелиные матки, пчелы-самцы, рамки.*

Акарапидоз касаллиги. Катта ёшдаги асалариларнинг инвазион касаллиги бўлиб, у нафас олиш органларини трахеяларини зарарлайди. Зарарланган асалари оиласи заифлашади ва ўлади. Касаллик кўпинча киш ва баҳорда авж олади.

Касаллик қўзғатувчиси. *Acarapis Voodi* канаси ҳисобланади. Кана овал шаклда, қорин қисми биров япалоксимон, оқиш рангда бўлади. Урғочи кана танасининг узунлиги 160-190 мкм, кенглиги 80-110 мкм, эркагининг эса 85-120 ва 60-80 мкм ташкил қилади.

Кананинг тўрт жуфт оёғи, санчувчи-сўрувчи оғиз аппаратига эга. Вуди канаси асаларининг кўкрак қафасидаги 1-жуфт трахеяларида яшайди ва ривожланади.

Урғочи кананинг уруғланганидан сўнг, 3-4 кун ўтгач, улар 4-10 тагача тухум кўяди. Тухумдан 4-5 кун ўтгач личинкалар чиқади. Урғочи кананинг ривожланиш даври 11-16 кун ва эркагида эса 10-13 кунни ташкил этади. Каналар ва уларнинг личинкалари асосан асалари гемолимфаси билан озикланади.

Каналар ташқи муҳитга чидамсиз бўлиб, 24 соатда ўлади. Ўлган асалари трахеяларида 5-6 кун ўтгач ўлади. Ҳаво ҳарорати ва намлиги ошган сари, каналарнинг ҳаётчанлиги шунча пасаяди.

Касалликнинг тарқалиши. Акарапидоз касаллиги Республикамизда кенг тарқалган бўлиб, барча минтақаларида учрайди. Андижон вилояти асаларизорларида 0,5% ҳолатида касаллик қайд этилган.

Акарапидоз касали оила ичида касал асаларилар орқали тарқалади. Оилада асосан ёш ишчи асаларилар ва она асаларилар зарарланади. Қиш ва баҳорда асаларилар оилада ғуж бўлиб яшаётган вақтда, касаллик каналари бир асаларидан иккинчисига бемалол ўтиб, тез тарқалади. Бир асаларидан иккинчисига ўғри ва адашган асаларилар, она асалариларни алмаштиришда, эркак асаларилар билан, оилани кучайтиришда ва кўчма асаларичилик даврида кўплаб ўтади.

Касалликнинг кечиши. Акарапидоз билан касалланганда асалари оиласида касаллик белгилари сезилмайди. Фақатгина оилани ярмиси зарарланганда бу касаллик белгиларини аниқлаш мумкин. Каналар асосан асалари гемолимфаси ва организмидаги оксиллар билан озикланганлиги учун, улар кучсизланиб, ҳаётчанлиги камаяди ва аста-секинлик билан ҳалок бўлади.

Касаллик белгилари. Акарапидоз касаллиги асаларилар учун хроник яъни азалий ёки сурункали касаллик бўлиб, унинг ривожланиши кўпинча яширин ҳолатда ўтади. Унинг асосий белгилари фақатгина асалари оиласини ярмидан кўпи касалланганда намоён бўлади. Бу касалликнинг асосий характерли белгиларидан бири, асалариларда учиш қобилиятини йўқолишидир. Касал асаларилар уядаги кўниш тахтчаси устига ўрмалаб чиқиб, учишга ҳаракат қилади. Лекин уча олмайди, пастга тушиб кетади ва қанотларини ёйиб, арихона атрофида ўрмалаб юради. Арихона атрофида кўпгина асалариларнинг ўрмалаб юриши акарапидоз касаллигига асосий белги ҳисобланади.

Касаллик ташхиси. Акарапидоз касаллигини аниқлаш учун касал асалариларнинг трахеясини лупа ёки микроскоп ёрдамида текшириб, ундан каналарни топиш лозим. Бу пайтда асалари трахеялари дастлаб сариқ, кейинчалик жигаррангдан қора ранггача бўлади. Шу пайтда трахеялардаги каналар ҳар хил шаклдаги ривожланиш даврида бўлади.

Бундан ташқари ўлган ва ўрмалаб юрган асаларилардан 50 тасини олиб, ветеринария лабораторияларига текшириш учун юборилади. Касаллик борлиги тасдиқлангач якуний ташхис қўйилади.

Профилактик чоралар: Асосан касалликни асаларизорга кириб келишига тўсқинлик қилишга асосланган. Энг хавфли йўли четдан асалари сотиб олишдир. Касалланган асалари оилаларини қатъий режимда сақлаш ва зарарланган асаларизорлардан асалари шохобчаси ташкил этиш ва она асалари етиштириб сотиш қатъий ман қилинади.

Кураш чоралари. Касалликка қарши кураш мақсадида асаларизор аҳволини ҳар доим текшириб туриш, асалариларнинг эрталабки учишга эътибор бериш керак. Акарапидоз касаллигини белгилари аниқлангандан сўнг, зудлик билан ветеринария мутахассислари билан текширув ишларини бошлаб, лаборатория натижаларидан сўнг, карантин эълон қилинади. Асаларизордаги қолган ҳамма асаларилар текширувдан ўтказилади.

Даволаш ишлари. Акарапидоз касаллигини даволашда асосан қаттиқ жисмли дориларни ёкиб дудлантириш ва буғлантириш йўли билан даволанади.

Акарапидоз касаллиги билан касалланган асалари оиласини, кечкурун ҳамма асаларилар уяга қайтган вақтда даволаш тавсия этилади. Бундан олдин асалари оиласини даволашга тайёрлаш керак. Бунинг учун уядаги иккита четки ромлар олинади, бошқалари бироз сурилиб, оралиғида жой очилади. Уянинг усти полиэтилен плёнкаси билан маҳкамланади. Ҳеч қаеридан тутун чиқмаслиги лозим. Арихонадаги устки учиш туйнуклари ва бошқа ёриклар беркитилади. Пастки учиш туйнугидан даволаш тутунлари узатилгач, улар кераклича ёпиб қўйилади.

Акарапидоз билан зарарланган асалари оиласини даволашда ҳозирги вақтда фольбекс, тедион, эфирсульфанат, тетрациклин, хлорфенол ва бошқа кўпгина дорилар энг самарали ҳисобланади.

Фольбекс дориси картон қоғозга шимдирилган яшил рангда бўлиб, унинг ўлчами 2x10 см ҳажмда бўлади. Картон қоғози ёнган вақтида, акарацид аэрозоли ҳосил қилади. Ҳар бир фольбекс лентаси битта оилага мўлжалланган. 1 дона фольбекс лентаси 0,5 гр дорига эга. Унинг ёниши 10

дақиқа давом этади. Фольбекс ёнганида, унинг таркибидаги хлор бензолати каналарга салбий таъсир этади. Фольбекс лентасининг бир учидан, уядаги четки ромга осиб қўйилади ва иккинчи учи ёқилади. Ёнаётган лента ромга ва бошқа нарсаларга ҳалақит бермаслиги керак, акс ҳолда ёнғин чиқиши мумкин.

Ҳамма ишлар бажарилганда сўнг асалари уяси 30 дақиқа атрофида беркитилади. Вақт ўтгандан сўнг арихонадаги устки ва пастки учиш туйнуқлари очилади. Уядаги полиэтилен ёпқичлар олинади.

Фольбекс билан даволаш ҳар 7 кунда 1 мартаба, ҳаммаси бўлиб 8 марта қайтарилди. Оилани 1 марта ишловдан ўтказиш учун 0,5 гр давланининг 1 курсига 4 гр фольбекс дориси сарфланади. Фольбекс жуда самарали дори бўлиб, у 90-100% таъсир этади. Шуниси эътиборлики, фольбекс танлаб каналарга таъсир этсада, асаларига, асалга ва гулчанглар учун зарарсиздир.

Тедион. Оқ рангдаги таблетка ҳолида ишлаб чиқарилади. Тедион куйдирилганда акарацид аэрозоли ҳосил бўлади, оқиш кулранг тутун беради.

Тедион билан даволашда асалари оиласи худди фольбексга тайёрлангандек тайёрланади. Тедион дорисидан 1 гр олинди, уни узун учли даволаш тутатгичи орқали, асалари оиласига тутун киритилади ва пастки учиш туйнуғи 5 соатга ёпилади.

Тедион билан даволаш учун 1 мартага 1 гр дори сарфланади. Даволашнинг 1 курсига 10 гр ҳаммаси бўлиб 10 марта кун оралатиб ишлов берилди. Дорини таъсир кучи 94-100 %га тенг.

Эфирсульфанат – акарацид дориси бўлиб, аэрозол шаклда қишлоқ хўжалик экинлари зараркундаларига қарши курашда ишлатилади. Бу дорини ишлатилганда 2x10 см картон қоғоз ленталари тайёрланади. Ленталарни 15 % ли калий селитра эритмасига ботириб, қуритилади ва 15 %ли эфирсульфанат эритмасига ботириб олинади. Қоғоз ленталар қуритилади. Ана шундай қуритилган ленталар 300 мг дорига эга бўлади. Тайёр бўлган ленталарни ёқиб, тутун ҳосил қилинади ва уяга киритилади.

Бунинг учун асалари оиласи фольбекс дорисига тайёрланган ҳолатдек тайёрланади. Эфирсульфанат тутун даволаш тутатгичи ёрдамида ҳосил қилинади. Арихонанинг пастки учиш туйнуғи орқали уяга киритилади. Ҳар бир тутатгичга 10 та, шу хилдаги ленталардан 8 та оила учун мўлжаллаб солинади. 1 та оилага 20-30 та тутун оқими берилди. Пастки учиш туйнуғи 2 соатга бекитилади. Даволашда ҳаммаси бўлиб 10 марта, ҳар 6 кунда ишлов берилди.

Эфирсульфанат вуди каналарига 95 % таъсир этади. Асалариларга эса оз миқдорда салбий таъсир этиши мумкин.

Хулоса. Асаларичилик кишлок хўжалигининг сердаромад соҳаларидан биридир. Шуниси ҳисобга олиб мазкур мақолада Андижон вилояти шароитида асаларичилик хўжаликларига кўп зарар етказадиган Акарапидоз инвазион касаллиги тўғрисида, уларни келиб чиқиши, тарқалиши ва уларга ташхис қўйиш, профилактика чораларини ўтказиш ҳамда даволашнинг самарали усуллари кенг баён этилди.

## АДАБИЁТ РЎЙХАТИ

1 .Базаров М.А. “Асаларичилик” фанидан ўқув қўлланма «Classic» нашриёти 2023 йил.

2.Базаров М.А. «Ўзбекистон Республикасида асалари зараркунандалари ва уларга интеграция услида қарши кураш чоралари» Монография ISBN 978-9910-763-55-7, «Classic» нашриёти 2023йил.

3 Гробов.О.Ф, Лихотин.А.К.Болезни и вредители пчел. Москва. «Агропромиздат» 1989

4 Исамухаммедов А, Ниқадамбаев Х. Асалари касалликлари ва зараркунандалари. Тошкент, 2013.

5 Тўраев О.С., Икрамов Б.К., Салямов С.Ж., Сафаров М.М. Асалари касалликларига қарши профилактика тадбирларини ўтказишда шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш. “Ветеринария ҳамда чорвачилик илмий ва амалиётининг долзарб вазифалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани. СамҚХИ. Самарқанд, 2013, 173-175 бетлар.